

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАРФИЕВ БАХРАМДЖАН АТХАМДЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИСЛОМ
РАЦИОНАЛИЗМИ ОМИЛИ**

22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Фарфиев Бахрамджан Атхамджанович

Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида ислом

рационализми омили.....5

Фарфиев Бахрамджан Атхамджанович

Фактор исламского рационализма в социальном

развитии Узбекистана.....34

Farfiyev Bakhramdjan Atkhamdjanovich

The factor of Islamic rationalism in social

development of Uzbekistan.....64

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАРФИЕВ БАХРАМДЖАН АТХАМДЖАНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ИСЛОМ
РАЦИОНАЛИЗМИ ОМИЛИ**

22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.3./DSc/Sots9 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Давлат бошқаруви академияси веб-саҳифасида (info@dba.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталига (www.Ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Алиқориев Нуриддин Сапарқориевич
иктисод фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Абсалом Адилевич
социология фанлари доктори, профессор

Дониёров Алишер Худойбердиевич
тарих фанлари доктори, профессор

Жалилов Ақтам Ташназарович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «5» 11 соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: 0(371) 232-60-47; факс: 0(371)239-17-83, e-mail: info@dba.uz Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси маъмурий биноси, 5 -кават, 504-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 45-уй. ЎзР Президенти ҳузуридаги ДБА маъмурий биноси, __-кават, __-хона. Тел.:0 (371) 232-60-47.

Диссертация автореферати 2020 йил « ___ » _____ да тарқатилди.

(2020 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)



М.Б.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор



А.Б.Юнусов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, соц.ф.н.

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, соц.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатларида аҳоли сонининг ўсиб бориши боис ижтимоий тараққиёт масаласи долзарб ва умумбашарий вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Маълумки, ижтимоий тараққиёт бир қатор омилларнинг тизимли ва детерминациялаштирувчи таъсири остида амалга оширилади. Мазкур мураккаб социал жараёнда моддий-иқтисодий ва молиявий омилларнинг ўрни дунёнинг барча давлатларида бирдай аҳамиятлидир. Улар билан биргаликда ижтимоий тараққиётни амалга оширишда маънавий омиллар ҳам муҳим ўрин касб этади. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда кишилардаги рационал тафаккур қилиш савиясининг юқорилиги, дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигининг юксалиб бориши кузатилмоқда

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари ижтимоий тараққиётни амалга оширишда моддий ва маънавий омиллар уйғунлигини таъминловчи социологик назариялардан унумли фойдаланишмоқда. Бунда дунёвий демократик тузум тартиб-қоидалари ва диний рационализм тамойилига бир хил даражада муурожаат қилиш заруратини илгари сурган секуляризация назарияларига таянилмоқда. Аҳолисининг кўпчилиги ислом динига эътиқод қиладиган давлатларда ижтимоий тараққиётга эришишда дунёвий-миллий қадриятлар билан биргаликда, ислом ахлоқининг талабларига риоя қилишни тарғиб этувчи этносоциологик назариялар намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий тараққиётни изчиллик асосида амалга оширишда моддий омиллар билан бир қаторда, маънавий омилларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир»¹. Дарҳақиқат, бой тарихий-маданий мерос негизида шаклланган ва бугунги давр шароитлари талаблари асосида такомиллашаётган миллий менталитетимиз ўзида юксак интеллектуал ҳамда маънавий салоҳиятни мужассамлаштирган. Ўзбек миллий менталитетининг шаклланиши ва ривожига дунёвий-маданий хусусиятлар билан ўзаро уйғунликда бўлган ислом динининг қадриятлари ижобий таъсир кўрсатиб, келмоқда. Ислом динидаги рационализм тамойили янги Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёти учун маънавий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий тараққиётни амалга ошириш жараёнида дунёвийлик асосидаги чора-тадбирлар билан биргаликда ислом рационализи тамойилидан фойдаланиш, айниқса, ислом маърифати ва ахлоқи катта таъсир кўрсатишини социологик таҳлил қилиш, бу борада зарур имкониятларни яратишга кўмаклашадиган комплекс ижтимоий-социологик тизимни янада

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва обод, демократик жамиятни барчамиз биргаликда барпо этамиз. //Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент: «Ўзбекистон». 2017.–Б.144.

такомиллаштириш йўналишларда илмий изланишларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон фармонлари ва «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 4 сентябрдаги ПҚ-4436-сон қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» илмий тадқиқотлари дастурининг устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹.

Халқаро миқёсда дунёвий давлат ижтимоий ҳаётида диний эътиқод, хусусан, ислом кадриятларининг аҳамияти масалаларига бағишланган тадқиқотлар бир қатор етакчи илмий марказлар, университет ва институтлар томонидан, жумладан, Universität Bielefeld (Германия), Georg-August-Universität Göttingen (Германия), University of Sorbonne (Франция), Otto-Friedrich-Universität Bamberg (Германия), Анкара университети (Туркия), University of London (Буюк Британия), Ал-Азхар университети (Миср), Қоҳира университети (Миср), University of New Hampshire (АҚШ), University of Reading (Буюк Британия), Москва давлат университети (Россия), Москва давлат халқаро муносабатлар институти (Россия) ва Россия Фанлар академияси ҳузуридаги «Социология» илмий-тадқиқот институтида фаол тарзда олиб борилмоқда.

Ижтимоий тараққиётнинг диний рационализм омилига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижаларга эришилган: жамиятда секуляризация жараёнларининг ўзига хос тарзда кечишига тааллуқли бўлган тадқиқотларнинг натижаларига мувофиқ, христианлик ва исломдаги секуляризация жараёнлари ўзаро фарқланиши таъкидланиб, ислом дини учун ҳам бу жараёнлар ёт эмаслиги ҳақида ёндашувлар ишлаб чиқилган (Bielefeld Universität, Otto-Friedrich-Universität Bamberg, Германия), ислом динида аёлларнинг ҳурмати, (Ал-Азхар университети, Миср); оила институти барқарорлигига полигамик никоҳларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган (University of Fribourg, Швейцария); аҳолисининг кўпчилигини мусулмон фуқаролар ташкил

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.azhar.eg/observer-en/>, www.researchgate.net, www.eva-leipzig.de, www.jstor.org, www.ezw-berlin.de, www.worldcat.org, www.onlinelibrary.wiley.com, www.pw-portal.de, www.tariqramadan.com ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

киладиган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ислом цивилизацияси кадриятларининг ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган (Институт Африки РАН, Россия).

Дунёда ижтимоий тараққиётнинг маънавий омилларидан ҳисобланган дин ва диний эътиқоднинг социал аҳамияти бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ислом дини кадриятлари асосида конфессиялараро тотувлик ва аҳиллик муносабатларини янада кенгайтириш; девиант хулқ-атвор турларига қарши курашишда ислом ахлоқи салоҳиятидан унумли фойдаланиш; оила институти барқарорлигини мустаҳкамлашда ислом кадриятларига таяниш, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга меҳр-мурувват кўрсатишда ислом маънавий меросидан самарали фойдаланиш, ижтимоий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашда диний толерантлик, жумладан, ислом маърифати имкониятларига таянишни кучайтириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий тараққиёт ва унинг омиллари масалаларининг методологик асосини қадимдан олимларни кизиқтириб келган. Агар ўтмиш даврнинг мутафаккирлари ижодига мурожаат қилинса, уларнинг аксарияти бундай муаммони ўз фалсафий-утопик таълимотлари асосида ҳал қилишга ҳаракат қилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Антик даврда Пифагор, Гераклит, Платон, Аристотель, Ўрта ва Яқин Шарқнинг қомусий алломалари Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ибн Халдун ва бошқалар, Ғарб оламида Т. Мор, Т. Компанелла, И. Кант, В. Гегель ва бошқа мутафаккирларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Мазкур олимларнинг тадқиқотларини асрлар ажратиб туради, аммо ижтимоий тараққиёт муаммоларига бағишланган махсус ва илк тадқиқотлардан бўлганлиги уларни бирлаштиради.

Хорижий мамлакатлар олимлари М. Вебер, Г. Зиммель, Э. Дюркгейм, О. Конт, Г. Спенсер, Ф. Тённис, П. Бергер, Т. Парсонс, Б. Малиновскийлар замонавий жамият учун диндаги позитив омилларнинг ижтимоий роли ва мавқеини тадқиқ этишган бўлса, Х. Билефелдт, Т. Хартман, Т. Леммер, Т. Рамадан, М. Диллон, Г. Саймон ва бошқалар ижтимоий тараққиётни амалга оширишда дин, жумладан, исломнинг ўрни масалаларини мунтазам тарзда тадқиқ қилаётганини қайд этиш лозим. МДҲ олимларидан Р. Беккин, Т. Вахитов, Гараджа, М. Гибадуллин, А. Игнатенко, И. Мавляутдинов, Н. Ракитянский, Д. Узланер ва бошқаларнинг илмий асарларида ижтимоий тараққиёт омиллари масалаларини кузатиш мумкин. Мазкур олимлар ижтимоий тараққиёт жараёнига ҳар томонлама илмий ёндашиш зарурлигини асослаб беришган.

Н. Алиқориев, А. Бегматов, М. Бекмуродов, М. Ганиева, Ш. Ёвқочев, О. Ота-Мирзаев, Ш. Содиқова, О. Абдуазимов, К. Калонов, Н. Комилов, Ш. Мадаева, Т. Матибаев, З. Мунавваров, И. Хўжамуродов, Р.А. Убайдуллаева, У. Уватов каби мамлакатимиз олимлари ислом динини жамият маънавий

ҳаётининг ажралмас қисми сифатида давр талаблари асосида тадқиқ қилишган¹.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ижтимоий тараққиёт йўналишида қилинаётган ишлар социологик жиҳатдан таҳлил этилган бўлсада, бироқ муаммонинг дин социологияси доирасида назария ва амалиёт уйғунлигига асосланган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация ишининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режаси би лан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жамият барқарор тараққиёти шароитларида социал жараёнлар ва ҳодисалар тадқиқоти» мавзуидаги илмий тадқиқот иши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида ислом рационализи омили концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда уни назарий ва амалий социологик жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

ислом рационализи тадқиқотининг методологиясини янги мазмун билан янада бойитиш ва унга мувофиқ келадиган тушунчани ишлаб чиқиш;

Шарқ мутафаккирлари таълимотида рационалистик ғояларнинг генезиси ва эволюциясини очиб бериш;

Ғарб социологияси ривожига рационализм тамойилининг аҳамиятини таҳлил қилиш ва капиталистик жамият тараққиётига христиан рационализи омилининг таъсирини социологик жиҳатдан кўрсатиб бериш;

Ўзбек миллий менталитетининг ижтимоий-маданий хусусиятларини тадқиқ этиб, ундаги динийлик ва дунёвийлик хусусиятларининг алоқадорлигини эмпирик даражада аниқлаш;

ислом кадриятлари ижтимоий иш жараёнининг муҳим атрибути эканлигини асослаш ва ундаги ахлоқий меъёрларнинг тадбиркорлик фаолияти ривожига фаол таъсир кўрсата олиш салоҳиятини очиб бериш;

ижтимоий ҳаётда учраётган девиант хулқ-атворнинг турли кўринишлари: жиноятчилик, алкоголизм, гиёҳвандлик, қонунбузарлик, порахўрлик, фоҳишабозлик, суицид каби иллатларга қарши курашишда дунёвий ва исломий кадриятларнинг ўзаро уйғунлигида сермахсул натижаларга эришиш мумкинлигини амалий жиҳатдан асослаб бериш;

замонавий Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашда исломдаги толерантлик тамойилининг аҳамиятини назарий ва амалий жиҳатдан кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистонда кечаётган ижтимоий тараққиёт жараёнида диний кадриятларнинг ўрни ва роли ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ислом рационализини ижтимоий тараққиёт жараёнининг маънавий омили сифатидаги социологик таҳлилидан иборат.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда тизимли, тарихий, қиёсий таҳлил, анкета сўрови, эксперт сўрови, ҳужжатларни таҳлил қилиш каби умумилмий ва эмпирик методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

ислом динидаги мазҳаблар мазмунини илмий таснифлаш ва талқин этишда ислом рационализи асосий назарий постулат сифатида хизмат қилишининг ижтимоий зарурати илмий асосланган;

ислом рационализи жамиятимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантириши, миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенгликни мустаҳкамлаши, миссионерлик ҳаракатига қарши маърифий курашни йўлга қўйишда самарали дискурсив платформа бўлиши назарий асосланган;

жамиятда учраётган девиант хулқ-атворнинг турли кўринишлари: жамият тартиботларига беписандлик, боқимандалик, алкоғолизм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, суицид каби иллатларга қарши маърифий курашда ислом рационализининг жамият барқарорлиги ҳамда дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлигини таъминланиши исботланган;

жамиятнинг интеллектуал такомиллашувини таъминлашда ислом рационализи элементлари: тасаввуф (Ибн Халдун), мантиқ (Ғаззолий), илм-маърифат (Форобий) омиллари қиёсланиб, уларни инсон капиталини бойитиш ва ижтимоий тараққиётни тезлаштиришдаги роли исботланган;

хаётга ёндашишда дунёвийлик ва илоҳийлик мувозанатига таянувчи Имом Аъзам мазҳаби ва Нақшбандия тариқатининг прагматик (бунёдкорликка йўналганлик, оқилона меъёрга таяниш, хаётга яратувчанлик позицияси билан қараш ва ўзликда барқарор қолиш, тадбиркорлик) негизи ва хусусиятлари исботланган;

узоқ муддат хорижда меҳнат миграциясида бўлган ҳамда экстремистик оқимларга қўшилган ва авф этилган фуқароларни ресоциализация қилиш, ижтимоий позитив фаолиятга йўналтириш, адаптация қилиш ва ижтимоийлаштиришда ислом рационализи тамойилларига (қиёсий таҳлил, дедуктив ёндашув, инонтириш, прагматизм) таянишнинг позитив асослари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда намоён бўлган:

ислом динининг бошқа социал институтлар билан мустаҳкам алоқаси тизимли тарзда асосланган;

исломдаги рационализм тамойили замонавий Ўзбекистон тараққиётининг муҳим ижтимоий-маънавий омили эканлиги очиб берилган;

ўзбек миллий менталитети минтақавий хусусиятларининг қиёсий тарздаги таҳлили амалга оширилган;

замонавий Ўзбекистонда содир бўлаётган секуляризация жараёнларининг аҳоли онгида акс этиш даражаси очиб берилган;

жамиятимизда кечаётган стратификация жараёнлари дин институтининг таъсиридан йироқлиги кўрсатиб берилган;

ислом ахлоқининг салоҳиятидан унумли фойдаланиш жамият ҳаётида учраб турадиган салбий иллатлар ечимига мос чора-тадбирларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши назарий ва амалий жиҳатдан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар тарихий ва расмий манбалардан олингани, аҳоли турли қатламлари орасида ўтказилган репрезентатив танловга асосланган эмпирик социологик тадқиқот ҳамда соҳа мутахассислари ўртасида олиб борилган эксперт сўровининг натижаларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида эришилган натижаларнинг илмий аҳамияти жамият тараққиётининг маънавий омилларини давлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти учун комплекс тарзда таҳлил қилиш ва ушбу тизимини янада такомиллаштириш жиҳатларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкин

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация тадқиқоти ғоя ва материалларидан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда, олий ўқув юртларида «Социология», «Фалсафа», «Менталитет социологияси», «Дин социологияси» ва «Ижтимоий иш» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитиш жараёнига татбиқ этиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида ислом рационализи омилнинг аҳамияти бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий социологик таклиф ҳамда тавсиялар асосида:

ислом динидаги мазҳаблар мазмунини илмий таснифлаш ва талқин этишда ислом рационализи асосий назарий постулат сифатида хизмат қилиши ижтимоий зарурат эканлиги ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид давлат дастури»нинг амалга ошириладиган тадбирларнинг бешинчи йўналишининг 239-бандига мувофиқ тарзда «Маърифий ислом» мазмунини тайёрлаш ишларини жадаллаштириш»ни таъминлаш жараёнига жорий қилинди (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йил 17 июлдаги 1942-сон маълумотномаси). Ушбу маълумотлар имом-хатибларнинг аҳоли турли қатламлари тафаккурига ислом дини кўрсатмаларига ханафийлик мазҳабида ўз ифодасини топган мўътадиллик тамойилига мос равишда амал қилиш зарурлигини сингдириш мақсадида олиб борган маърузаларининг мазмунини бойитишга хизмат қилган;

ислом рационализи жамиятимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантириши, миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенгликни мустаҳкамлаши, миссионерлик ҳаракатига қарши маърифий курашни йўлга қўйишда самарали дискурсив платформа бўлиши ҳақидаги тавсиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон фармони иловасининг 3-бўлим «Диний бағрикенглик, конфессиялараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни ташкил этиш»нинг 9,10 бандларидаги вазифаларни ижро этиш бўйича Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг нуфузли имом-хатиблар, машҳур спортчилар, маданият арбоблари ва зиёлилар иштирокида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини очиб беришга бағишланган ижтимоий роликлар намойишини ташкил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2019 йил 17 июлдаги 1942-сон маълумотномаси). Мазкур маълумотлар исломшунослик соҳаси мутахассисларининг ислом рационализи ижтимоий барқарорликни сақлаш ва уни янада мустаҳкамлашнинг муҳим маънавий омили эканлиги ҳақидаги касбий билимларини оширишга хизмат қилган;

жамиятда учраётган девиант хулқ-атворнинг турли кўринишлари: жамият тартиботларига беписандлик, боқимандалик, алкоголизм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, суицид каби иллатларга қарши маърифий курашда ислом рационализи жамият барқарорлиги ҳамда дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлигини таъминланиши ҳақидаги тавсиясидан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасидаги ёшларни ижтимоий барқарорликка таҳдид солаётган ушбу иллатларга қарши тура оладиган қилиб тарбиялашга оид вазифани амалга оширишга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирларнинг сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 25 июндаги 04-13-2896-сон маълумотномаси). Мазкур маълумотлар ижтимоий барқарорликка таҳдид соладиган иллатларга қарши курашда дунёвий ва диний кадриятлар уйғунлигини таъминлаш долзарб социал масала эканлигини ёшлар тафаккурига сингдирилишига хизмат қилган;

жамиятнинг интеллектуал такомиллашувини таъминлашда ислом рационализи элементлари: тасаввуф (Ибн Халдун), мантиқ (Ғаззолий), илм-маърифат (Форобий) омиллари қиёсланиши, уларнинг инсон капиталини бойитиш ва ижтимоий тараққиётни тезлаштиришдаги ролини акс эттирувчи илмий-назарий хулосалардан 5210100 – Социология бакалавриат таълим йўналишининг «Социология» ва «Дин социологияси» фанларининг ўқитиш жараёни учун Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғига асосан 654-003 рақамли гувоҳномага мувофиқ нашр этилган «Социология» дарслигининг «Социал институтлар, «Социал ўзгаришлар социологияси» мавзуларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019

йил 28 июлдаги 89-03-2807 сонли маълумотномаси). Ижтимоий таракқиётнинг тарихий-маданий заминлари ҳақидаги мазкур илмий-назарий хулосалар талаба-ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилган;

хаётга ёндашишда дунёвийлик ва илоҳийлик мувозанатига таянувчи Имом Аъзам мазҳаби ва Нақшбандия тариқатининг прагматик (бунёдкорликка йўналганлик, оқилона меъёрга таяниш, хаётга яратувчанлик позицияси билан қараш ва ўзликда барқарор қолиш, тадбиркорлик) негизи ва хусусиятлари ҳақидаги илмий хулосалардан Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғига асосан 654-003 рақамли гувоҳномага мувофиқ нашр этилган «Социология» дарслигининг «Жамият ва дин» мавзусини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 июлдаги 89-03-2807-сон маълумотномаси). Натижада 5210100 – Социология бакалавриат таълим йўналишида таҳсил олаётган талабалар онгига ижтимоий таракқиёт жараёнлари ва уларга дин институтининг маънавий омил сифатидаги фаол таъсирини акс эттирувчи маълумотларни чуқур сингдирилишига асос бўлган;

узок муддат хорижда меҳнат миграциясида бўлган ҳамда экстремистик оқимларга кўшилган ва авф этилган фуқароларни ресоциализация қилиш, ижтимоий позитив фаолиятга йўналтириш, адаптация қилиш ва ижтимоийлаштиришда ислом рационализи тамойилларига (қиёсий таҳлил, дедуктив ёндашув, инонтириш, прагматизм) таянишга доир таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қароридаги (2019 йил 4 сентябр. ПҚ-4436-сон) аҳолининг, айниқса, «ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш» ҳамда «оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган радикал ғояларга қарши миллий анъана ва қадриятларимиздан кенг фойдаланишни таъминлаш» бандларда белгиланган вазифаларининг ижросини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 25 июндаги 04-13-2896-сон маълумотномаси). Мазкур маълумотлар мамлакатимиз ёшлари орасида ижтимоий-маънавий муҳитни социологик сўровларнинг натижалари асосида ўрганиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган..

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари маъруза сифатида 3 та халқаро ва 15 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда илмий жамоатчиликка тақдим этилиб, муҳокамалардан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация ишининг натижалари бўйича 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 12 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрда), 18 та илмий-амалий конференция тўпламларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб (12 та параграф), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 251 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг биринчи боби «**Социологияда ижтимоий тараққиёт ва рационализм тамойили алоқадорлиги тадқиқотининг назарий-методологик асослари**» деб номланиб, унда социологияда ишлаб чиқилган ижтимоий тараққиёт таълимотининг генезиси ва эволюцияси, Шарқ мутафаккирларининг асарларида рационализм тамойилининг ўрни ва аҳамияти ҳамда социологияда рационалистик ғоялар жорий этилишининг асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Кишилиқ жамиятининг тарихидан яхши маълумки, азалдан инсонлар тараққий этган, фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм сурадиган мамлакатда яшашни орзу қилганлар. Дунёнинг бугунги кундаги ривожланган постиндустриал мамлакатлари ҳам қачонлардир қолоқлик, заифлик ва ночорлик ҳолатида бўлиб, уларнинг фуқаролари бу қалтис ижтимоий ҳолатдан чиқиш йўллари излаб топишга астойдил интилганлар. Бунинг учун эса қомусий мутафаккирлар ўз асарларида тараққий этган, фаровон жамият қуриш ғоясининг асосларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилганлар. Диссертациянинг ушбу бобида антик даврнинг таниқли мутафаккирларининг фаровон жамият қуришга оид асарлари бугунги кун талабарига ҳам жавоб бера олиши ва ижтимоий тараққиёт масалалари инсоният тарихининг кейинги даврларида ҳам ўз долзарблигини йўқотмагани асослаб берилди. Бобда ижтимоий тараққиёт ходисасининг таҳлилига киришишдан аввал унинг муҳим методологик муаммоси – ижтимоий ўзгаришлар масаласига мурожаат қилиш лозим, деган хулоса илгари сурилди. Социологияда «ижтимоий ўзгариш» тушунчаси «ижтимоий тараққиёт» тушунчасига нисбатан чуқурроқ мазмунга эга эканлиги қайд қилинди. Зеро, «ижтимоий ўзгариш» тушунчасининг конкрет кўриниши айнан тараққиёт жараёнида намоён бўлади. Социологик адабиётларда прогресс сўзи тараққиётнинг синоними сифатида қўлланилган. Тараққиёт сўзи, аслида, араб тилидан олинган бўлиб, маҳаллий илмий адабиётларда у

прогрессга нисбатан кўпроқ қўлланилади. Диссертацияда тараққиёт ходисасининг содир бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлган мезонлар таснифи муаллиф томонидан баён этилган бўлиб, у қуйидаги тартибда жойлаштирилди:

жамият ҳаётида ижтимоий адолат тамойилига қатъий тарзда амал қилиниши;

ишлаб чиқариш унумдорлиги даражасини оширишда меҳнат ижтимоий тақсимотининг илғор тизимига эга бўлиш;

нанотехнологияларнинг мислсиз тарзда ривожланиши;

жамиятда шахс эркинлигини таъминлашнинг барқарор асосларига эга бўлиши;

ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини чуқур интеграциялашган ҳолатининг мавжудлиги.

Агар жамиятда ушбу мезонларнинг мавжудлик даражаси юқори кўрсаткичга эга бўлса, демак, бундай ўзгаришлар прогрессив, яъни ривожланиш ҳолатида деган фикр диссертацияда илгари сурилди. Бобда, шунингдек, прогресснинг акси бўлган регресс ходисаси ҳақида маълумот келтирилиб, унда жамият ҳаётининг таназзулдаги ҳолати ифодаланиши таъкидланди. Диссертацияда жамиятнинг регресс ҳолатига тушишнинг асосий сабаблари сифатида қуйидагилар қайд этилган:

давлат ва жамият бошқарувида волонтаристик тамойил таъсирининг кучайиб бориши туфайли ижтимоий тараққиётнинг асосий қонуниятлари инкор этилади;

иктисодда интенсив ривожланиш ўрнини экстенсив усул эгаллай бошлаши авж олади;

ижтимоий тараққиётни таъминлашда моддий ресурсларга устувор омил сифатида ёндашиб, маънавий омилларга эса эътиборсизлик ва аҳамиятсизлик асосидаги қарашлар кучаяди;

жамиятда меҳнат ижтимоий тақсимотининг илғор тизимининг шаклланишига жиддий ғовлар пайдо бўла бошлайди;

ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган стратификация жараёнларининг холислик асосида кечиши таъминланмайди;

ақлий меҳнат натижаларига ҳақ тўлаш талаб даражасида бўлмайди;

ишлаб чиқариш соҳасидаги малакали мутахассисларнинг кадрсизланиши оқибатида улар орасида қўнимсизлик ҳолати кучайиб боради;

милитаризация сиёсатининг кучайиши сабабли ҳарбий соҳага эҳтиёждан ортиқ маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши ва юқори малакали мутахассисларни ушбу соҳага жалб этиш жараёнлари авж олади;

мураккаб геосиёсий вазият туфайли конкрет давлатлар ва ҳарбий блокларнинг аъзо-мамлакатлари томонидан давлатга нисбатан агрессия ҳаракатлари содир этилади.

Бобда ижтимоий тараққиётни ҳар қандай мамлакат ўз ички қонуниятларига қатъий риоя қилиш асосида амалга ошириши мақсадга

мувофиқлиги социологиянинг қомусий мутафакирлари асарларига таянган тарзда таҳлил этилди. Хусусан, О. Конт ва Г. Спенсернинг социологик назарияларига таяниш ҳамда уларни бугунги кун шароитларидан келиб чиққан ҳолда, танқидий руҳда тадқиқ этиш асосида диссертант томонидан «ижтимоий тараққиёт» тушунчасига қуйидаги социологик таърифи берилган: Ижтимоий тараққиёт – бу кишиларнинг моддий ва маънавий омилларни рационаллик асосида жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга йўналтирилган бунёдкорлик фаолиятининг амалий натижасидир.

Ўзбекистон раҳбарияти ўз ижтимоий тараққиёт йўлини белгилаб, эркин, обод ва фаровон жамият қуриш мақсадида революцион ўзгаришларни тўлиқ инкор этган ҳолда, эволюцион ўзгаришлар асосида миллий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқди. Ушбу ривожланиш стратегияси халқимизнинг кўп асрлик тарихий хусусиятларини тўлиқ ифодалагани боис, бугунги кундаги ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида эришилаётган ютуқларнинг амалий исботи ҳисобланади. Замонавий шароитларда мазкур ривожланиш стратегияси янада такомиллашиб бормоқда. «Айни вақтда, бугунги глобаллашув даврида жаҳон миқёсида чуқур молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, рақобат тобора кучайиб бораётган кескин бир шароитда биз мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлини ҳар томонлама таҳлил қилиб, давлатимизни барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш мақсадида, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқдик»¹.

Ушбу бобда Шарқ мутафакирлари – Абу Наср Форобий ва Ибн Ҳалдун таълимотларида рационалистик тамойилнинг ишлаб чиқилган ҳолати таҳлил этилди. Мазкур қомусий олимларнинг асарларида кишининг фикрлаш қобилияти унга берилган энг улуғ неъмат эканлигининг баён этилиши социологик жиҳатдан таърифлаб берилди. Бу мутафакирлар ўз асарларида тафаккур масалаларини материалистик фалсафа таъсиридан йироқ ҳолда тадқиқ қилганлиги диссертация бобида асосли тарзда исботланди. Шунингдек, рационалистик ғоялар Ғарб социологиясида ҳам фаол тадқиқ этилганлиги тизимли таҳлил қилиниб, хусусан, Ф. Тённис ва М. Вебер асарларида социологиядаги рационалистик ёндашувнинг Европа мамлакатлари ривожига қўшган ҳиссаси ишончли далиллар ёрдамида тадқиқ этилган.

Бобда Абу Наср Форобий ва Ибн Ҳалдуннинг социологик мероси, Ғарб социологияси мумтоз олимларининг асарлари бугунги кун талабларига ҳам жавоб бера олиш салоҳияти асослаб берилди. Замонавий шароитларда рационалистик ёндашув ривожига хорижлик ва мамлакатимиз социологлари ўз муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётгани баён этилиб, фақат ислом рационализмига бағишланган илмий ишлар ҳали етарли даражада олиб

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир// Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. -Тошкент: «Ўзбекистон». 2018. –Б.178.

борилмагани кўрсатиб ўтилди. Боб якунида ижтимоий тараққиётнинг рационализм тамойилига алоқадорлиги социология фанининг фундаментал масалалари сифатида назария ва амалиёт уйғунлигида тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги асослаб берилди.

Диссертациянинг «**Ўзбек миллий менталитетининг ижтимоий-маданий-хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида миллий менталитет феномени ва унинг таркибидаги диний элемент аҳамияти, ислом рационализи ва унинг миллий менталитетдаги мақоми очиб берилиб, бунда динийлик ва дунёвийлик хусусиятлари алоқасига оид масалалар тадқиқ этилди. Мазкур бобда менталитет социология фанида катта аҳамиятга эга эканлиги, лекин ҳали у муҳим категория сифатида тизимли ва илмий асосда етарлича ўрганилмагани очиб берилган. Менталитетнинг фаол таъсирсиз ижтимоий ҳаётнинг ҳеч бир соҳаси самарали фаолият кўрсата олмаслиги асосланган. Бироқ собиқ тоталитар тузум даврида кишилар менталитетининг ижтимоий-маданий хусусиятлари кескин тарзда инкор қилиб келинди. Жумладан, миллий менталитет шаклланадиган ижтимоий-маданий муҳитнинг аҳамияти эътиборга олинмагани мазкур бобда аниқ мисоллар асосида баён этилган.

Менталитет ҳодисасини таҳлил қилиш натижасида ҳар қандай миллатнинг менталитети структурасида диний элемент муҳим аҳамият касб этиши исботланган. Албатта, унинг даражаси турли халқларда ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Баъзи халқларда миллий менталитет таркибидаги диний хусусиятнинг салмоғи юқори бўлса, бошқаларда унинг таъсири анча заиф ва ҳатто, фақат рамзий маъно касб этгани тадқиқ этилган. Лекин айрим халқларнинг миллий менталитетида бу хусусият бутунлай мавжуд эмас, деб хулоса чиқармаслик керак. Бинобарин, маданият миллий менталитет шаклланишига фаол таъсир кўрсатувчи асосий социал институтлардан бири сифатида дин институти билан чамбарчас боғлиқдир. Ислом динининг миллий маданият билан яқин алоқаси ўзбек менталитетида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли ўзбек миллий урф-одатларини ислом дини қадриятларидан сира ажратиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан диссертацияда собиқ тузум даврида кишилар менталитетидан диний мазмунни буткул ўчириб ташлашга астойдил ҳаракат қилинганлиги тарихий далиллар асосида очиб берилган. Миллий менталитетдаги диний хусусият ўз-ўзидан шаклланмайди, балки у кишиларда диний тафаккур қилиш қобиляти билан белгиланиши илгари сурилди. У тафаккурнинг бошқа турлари ичида энг қадимийси ва кўхнасидир. Чунки мазкур тафаккур тури инсон яратилганидан бери мавжуд бўлиб, бу борада Қуръони карим оятларида: «Улар тафаккур қилмайдиларми?» деган хитобнинг кўп марта янграши эътиборга молик. Кишининг тафаккур қилиш фаолияти ҳадисларда ҳам улуғланиб, ҳатто, у айрим нафл ибодатларидан юқори турганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу масала бўйича Абу Лайс ас-Самарқандийнинг қуйидаги ҳадисни келтириши

диққатга сазовор: «Пайғамбардан (с.а.в.) ривоят қилинади. Айтдилар: «Бир соат фикрлаш бир йиллик ибодатдан афзалдир»¹.

Ушбу бобда материалистик таълимотларнинг «инсон туғилганида унда хали тафаккур қилиш қобилияти мавжуд бўлмайди, уни фақат ижтимоий ҳаётга киришиши ва мослашиши асосида тафаккури вужудга келади», деган иддаога қарши ўлароқ ислом дини таълимотига мувофиқ, киши дунёга келганида унга тафаккур қилиш қобилияти илоҳий неъмат сифатида берилиши ҳақидаги фикрнинг илгари сурилгани характерлидир. Кишининг бу қобилияти аста-секинлик билан ижтимоий муҳит таъсирида ривожланиб боради. Ҳақиқатан ҳам, агар киши туғма равишда тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлмаса, ҳарчанд уринмасин, ўзида тафаккур қилиш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришга қодир бўла олмайди. Диссертацияда гиёҳвандлар, алкоголь истеъмол қилувчилардан туғилаётган ақли заиф фарзандларнинг аччиқ ва аянчли қисмати бунга асос сифатида тадқиқ қилинган. Афсуски, соҳа мутахассислари ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, бундай нуқсонли болаларда тафаккур қилиш қобилияти пайдо бўлмаяпти. Чунки бундай аянчли тақдир эгаси бўлган боланинг отаси ёки онаси, балки уларнинг иккиси ҳам биргаликда диний ҳамда миллий қадриятларимизга зид иш тутиб, бўлғуси фарзандини дунёга келтиришга сабаб бўлаётган масъулиятли вақтда гиёҳвандлик моддаси ёки алкоголь ичимлигининг таъсирида бўлишган. Бундай ҳолатнинг зарарини ислом дини кўрсатмалари ҳам, замонавий тиббиёт илми ҳам бирдек тасдиқлайди.

Ўз навбатида, соғлом кишилар орасида тафаккур қилишнинг салоҳияти хилма-хил бўлади. Диссертацияда Имом Ғаззолийнинг кишиларнинг тафаккур қилиш қобилиятидаги фарқлар туғма сифатга эга эканлиги ҳақида фикри асос сифатида келтирилди. Бинобарин, кишининг тафаккур қилиш қобилияти юқори даражада бўлса-да, бироқ у қобилиятни фақат машаққатли меҳнати билан тараққий эттириши мумкин. Агар унинг ўзи янги билимларга интилмаса, унинг тафаккури турғунлик ҳолатига тушиши муқаррар бўлади. Диссертация доирасида олиб борилган эмпирик социологик тадқиқот натижалари ҳам юқоридаги фикрларга амалий асос сифатида таҳлил қилинган².

Кишиларда диний тафаккурнинг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қиладиган асосий омил – диний билимлар бўйича саводхонлик ҳолатини аниқлаш мақсадида респондентларга: «Ўзбекистонда чиқадиган динга тааллуқли давлат томонидан рухсат этилган китоб ва журналларни ўқиб турасизми?» деган савол ҳавола қилинганда қуйидаги натижалар намоён бўлди.

¹ Ал-Фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий. Танбеҳул-Ғофилийн. Араб тилидан Дилмурод Қўшоқов таржимаси. - Тошкент: «Мовароуннаҳр». 2007. -Б.540.

² Тадқиқот 2018 йилнинг май-июнь ойларида «Ижтимоий тараққиёт ва унинг омиллари» мавзuida Жиззах, Бухоро, Хоразм, Наманган, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри аҳолисининг турли ижтимоий қатламлари орасида репрезентатив танлов асосида ўтказилиб, унда 1147 нафар респондент иштирок этди.



1-расм. Диний мазмундаги адабиётларни ўқишга муносабат

Тадқиқот натижасига кўра, сўровда иштирок этганларнинг 60% га яқини бундай адабиётлар билан танишмаслиги маълум бўлди. Бобда юртимизда динга тааллуқли адабиётлар кирилл ёки лотин имлосида нашр этилаётгани, фуқаролар хонадонида Қуръони каримнинг ўзбек тилига ўгирилган маънолари ҳамда Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқа алломаларнинг асарлари мавжуд бўлса, бунинг нимаси ёмон? Қолаверса, ёшлар тарбияси билан боғлиқ жиддий муаммолар айнан ота-оналарнинг ислом дини таълимотидан етарли маълумотга эга бўлмаганлиги туфайли содир бўлмоқда, деган фикр илгари сурилган. Айрим ёшлар диний билимлар соҳасида ўзини ўта билаётган ҳисоблаб, ота-оналарининг хоҳиш-истакларига қарши бориш ҳолатлари таҳлил қилинган. Диссертацияда бунга, авваламбор, ота-оналарнинг ўзлари айбдорлиги кўрсатилган. Зеро, ҳар бир ота-она ўз фарзанди учун биринчи устоз бўлиши керак. Аммо бунинг учун ота-оналарнинг ўзлари ислом дини бўйича етарли даражада саводхон бўлишлари тақозо этилади. Агар ҳар бир ота-она ўз фарзандига гўдаклик чоғиданок ислом дини ҳақида дастлабки маълумотни берса, унда улар ота-оналарига меҳрли бўлиб вояга етишади. Натижада, болалар ота-оналарининг қатъий назоратида бўлиб, провардида, уларни бегона кишиларнинг ислом дини ҳукмларини сохталаштиришга йўналтирилган ғаразли ташвиқотиغا мойил бўлиши ва эргашиб қолишига «хизмат қиладиган» хавф-хатарлар барҳам топиши баён этилган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: «Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, гўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз, ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада хушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни

бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим»¹.

Мамлакатимиз шароитида кишиларнинг диний тафаккури Қуръони карим, хадислар ва ислом оламида донг таратган Абу Ханифа ан-Нўъмон ас-Собит (тахаллуси – Имом Аъзам), Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Хўжа Аҳрор Валий каби буюк мутафаккирларнинг асарларига таянган ҳолда шаклланса ва ривожланса, ижтимоий ҳаётда бунёдкорлик ғояларининг тараққиётига хизмат қилиши диссертациянинг ушбу бобида асослаб берилган.

Диссертацияда ислом фақат ибодат ва турли маросимлар йиғиндисидан иборат бўлган дин сифатида эмас, балки у ўзининг рационалликка асосланган меъёр ва мезонлари билан кишилар ҳаётини мувофиқлаштириб турувчи ижтимоий-маданий ва маънавий-тарбиявий тизим сифатида тадқиқ қилинган. Зеро, ҳар қандай шароитда мазкур тизимнинг ядросини ислом рационализи тамойили ташкил этади. Исломиётнинг машҳур олимларидан Абу ал-Хасан ал-Ашари ва Абу Мансур ал-Мотуридий ислом дини ривожига ўзларининг улкан хизматларини айнан рационалистик таълимотлари асосида қўшдилар. Абу Мансур ал-Мотуридий «Тавҳид» асарида, жумладан, қуйидагиларни қайд этган: «Ақл ила олиб борилган тадқиқотларни рад этувчилар ўзларининг бундай мазмундаги мазкур мулоҳазаларини айнан тафаккур қилиш фаолиятлари асосида ҳосил қиладилар. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам ақлнинг далиллари нақадар зарурлигини кўрсатади. Агарда Аллоҳнинг ўзи Қуръонда ақлнинг далилларини қўллаш заруратини қайта-қайта буюрса, қандай қилиб бунга қарши бўлиш мумкин»². Буюк ватандошимизнинг мазкур фикрларини таниқли мутафаккир Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий ат-Туси янада ривожлантирганига диссертацияда алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, бу масалада у Умар ибн ал-Хаттобнинг Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в.) қуйидаги фикрини келтирганига эътибор қаратади: «Аллоҳнинг расули айтди, одам қадр-қиммати жиҳатидан ҳеч бир нарса у билан тенглаша олмайдиган – ақлга эга бўлди. Ақл ўз эгасини тўғри йўлга йўналтириб, уни ҳалокатдан йироқ қилади. Яратганнинг қулини ақл-заковати қачонки комилликка етишмас экан, унинг эътиқоди тўлиқ, дини эса ҳақиқий бўлмайди»³.

Ислом динида рационализм масалаларининг ёритилиши бўйича ўз қарашларини ишлаб чиққан олимларнинг асарларида келтирилган турли фикрларни тизимли ва танқидий тарзда таҳлил қила бориб, ишнинг ушбу бобида «ислом рационализи» тушунчасига муаллифнинг қуйидаги социологик таърифи берилди: ислом рационализи – ислом динига эътиқод қилувчиларнинг турмуш ва тафаккур тарзи (менталитети)ни шакллантириш

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. //Миллий тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент: «Ўзбекистон». 2018. -Б.125.

² Али-заде А. Исламский энциклопедический словарь. –Москва: «Ансар» 2007.–С.482-483

³ Абу Хамид Муҳаммад аль-Ғазали ат-Туси. Возрождение религиозных наук. Пер. с араб. яз. книги «Ихйа' 'улум ад-дин». В десяти томах. 1-й том, 2-е издание. –Махачкала: «Нуруль иршад». 2011. –С.263

хамда уларни ривожлантиришга йўналтирилган исломий билимлар, кадриятлар, ахлоқий меъёрлар, ижтимоий-маданий тартиб-қоидалар, интизом, шунингдек, инсонпарварлик, бунёдкорлик ва бағрикенглик каби гуманистик ғоялар ҳамда мафкураларни ўзида ифодаловчи социологик категориядир. Мазкур таърифга таяниб, шундай хулосага келинди: ислом рационализи бевосита миллий менталитетнинг муҳим элементи ҳисобланади. Бу эса, энг аввало, илмга таянадиган ижтимоий-диний ҳодиса бўлиб, айнан илм ислом дини мазмунининг асосини ташкил этади. Ҳар қандай дин, жумладан, исломни ҳам илм-фан ва ижтимоий тараққиёт қушандаси сифатида кескин танқид қилиб келган К. Маркснинг қарашлари нақадар асоссиз эканлиги диссертацияда исботлаб берилган.

Бобда, шунингдек, ўзбек миллий менталитетидаги динийлик ва дунёвийлик сифатларининг масалалари таҳлил қилинган. Бунда ушбу икки сифат бир-бирини ўзаро тўлдириб келгани ҳақидаги маълумотлар «сакрализация» ва «секуляризация» тушунчаларининг мазмунини очиб бериш асосида тадқиқ қилинган. Бинобарин, Мовароуннаҳрда, хусусан, Соҳибқирон Амир Темурнинг марказлашган давлатчилигимиз асосчиси сифатидаги фаолиятида динийлик ва дунёвийлик муносабатларини ўзаро уйғунликда олиб боришга катта эътибор қаратгани баён этилган. Чунончи, у ўзининг давлат бошқаруви фаолиятида дин уламолари маслаҳатига ҳам таянгани, бироқ қарорларни мустақил тарзда дунёвийлик жиҳатидан келиб чиқиб, қабул қилгани таҳлил қилинган. «Манбаларда шундай қайдлар учрайдики, руҳонийларнинг энг нуфузли вакиллари Соҳибқирон қарорларининг устуворлигини сўзсиз тан олганлар ва у бошлаган ҳар бир ишга, шу жумладан, ҳарбий юришларга ҳам оқ фотиҳа берганлар»¹.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб, Туркистондаги давлат ва жамият бошқарувида дунёвийлик хусусиятлари кучайтирилиб, динийликка нисбатан аёвсиз кураш олиб борилди. Ҳатто, худосизликни тарғиб этувчи атеистик жамоатчилик ташкилотларини тузиш бошланди. Ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар асарларига «мистика, хомхаёлликни тарғиб қилувчи реакцион, ўта зарарли манбалар», деб ноҳолис ёндашилди ва улардан жамият аъзоларининг танишиши ва фойдаланиши тақиқланди. Натижада, тоталитар жамиятда секуляризация жараёни атеизация билан айнанлаштирилди. Бундай ёндашув секуляризациянинг туб мазмунига умуман зид эди. Мамлакатимиз ўз суверенитетига эга бўлиб, тоталитар тузумда динга, жумладан, исломга нисбатан олиб борилган барча мустамлака сиёсатининг салбий асоратларини бартараф этишга жиддий киришилди. Ўзликни англашдаги бундай саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижаларини намоён қила бошлади. Айниқса, Куръони карим маъноларининг «Шарқ юлдузи» журналида илк бор ўзбек тилида баён қилиниши, Имом Бухорий, Имом Термизий ва ҳадис илмининг бошқа алломалари асарларини она

¹ Мунавваров З. Ўзбекистон Республикасида дунёвийлик билан динийлик ўртасидаги янги нисбатнинг шаклланиши//Ислом ва дунёвий-маърифий давлат//Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. Тошкент: «Имом Бухорий» ва «Фридрих Эберт» жамғармалари. 2003. -Б.134.

тилимизга таржима қилинган диний амалларни дунёвий жамиятда ҳам эмин-эркин бажариш имкониятларини вужудга келтирди. Диссертациянинг ушбу бобида жамиятимиз ҳаётида секуляризация ҳодисасининг аҳамияти ошиб бораётганлиги амалий тадқиқот натижалари асосида таҳлил этилди. Илгари диний мазмунга эга бўлган урф-одатлар ва қадриятлар энди дунёвийлик кўриниш касб этаяпти. Жумладан, фарзанд туғилиши сабабли ўтказиладиган ақиқа тўйи, ёшларни оила қуришдан олдин амалга ошириладиган исломий никоҳ одати бир муддат аввал диндорлар томонидан ўтказилган маросимлар ҳисобланган бўлса, эндиликда ушбу оилавий тадбирларни ҳатто, дунёвий турмуш тарзини ёқловчи кишилар ҳам дин билан уйғунлашган миллий урф-одат сифатида қабул қилишяпти.

Амалий тадқиқотда иштирок этган экспертларнинг фикрича¹, ҳозирда мамлакатимизда дунёвийлик ва динийлик хусусиятларини ўзаро уйғунлаштирган исломдаги мўътадиллик ёндашуви ҳукм сурмоқда. Экспертлар томонидан айрим ҳудудларда дунёвийлик сифатлари бир мунча олдинда бўлса, бошқа минтақаларда эса динийлик нисбатан илгарирок позицияда турибди, деб қайд этилган. Бунда Тошкент шаҳри, Фарғона водийси аҳолисида динийлик даражасининг юқори эканлиги, бироқ Қорақалпоғистон ва Хоразмда эса дунёвийлик жиҳатлари устун эканлиги аниқланган. Албатта, бундай фарқ нисбийлик касб этган. Зеро, мамлакатимизнинг барча минтақаларида дунёвий миллий қадриятларимиз билан биргаликда ислом дини урф-одатлари, расм-русумлари ҳам эмин-эркин ўтказиб келинаётгани жамиятда секуляризация жараёни ўзига хос тарзда кечаётгани баён қилинган.

Диссертациянинг **«Фаровон турмуш тарзини таъминлашда ислом рационализи аҳамияти»** деб номланган учинчи бобида жамиятнинг муҳим институтлари – ижтимоий иш, оила ва тадбиркорлик ривожига ислом қадриятларининг фаол таъсир қилиш сифатлари тадқиқ этилди. Бунда мураккаб ўтиш даври шароитида давлат томонидан жамият аъзоларининг кам таъминланган қатламларининг кучли ижтимоий сиёсат асосида муҳофаза қилиниши таҳлил қилинган. Хусусан, мамлакатимизни турли кўнгилсиз ижтимоий ҳодисалар, масалан, миллатлараро зиддиятлар, диний кўринишдаги низолар ва фуқаролар ўртасида маҳаллий келишмовчилик каби салбий иллатларнинг таъсиридан ҳимояланишига ишончли омил бўлиб хизмат қилиши баён этилган. Бунда ҳақиқий ва манзилли ижтимоий ҳимоя асосларини ишлаб чиқишда қадимги Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган ижтимоий кўмак тизимининг тарихий илдизларига асосий эътибор қаратилди. Мовароуннаҳрга исломнинг кириб келиши ва тараққий этиши туфайли муҳтож кишиларга ижтимоий кўмак кўрсатиш кўлами ҳам ошиб борди. Албатта, мамлакатимиздаги ижтимоий ишнинг тарихий илдизларини

¹ Эксперт сўрови фаласафа, социология, психология, сиёсатшунослик ва исломшунослик соҳаларининг таниқли мутахассислари орасида ўтказилди. Унда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрни ўрганиш маркази ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг профессор ва доцентлари иштирок этишди.

фақат динийлик хусусияти ташкил этади, дейиш ҳақиқатдан йироқ фикрдир. Қадимги Туронда мунтазам равишда ўтказиб келинган ҳашарлар ҳам ижтимоий ишнинг таркибий қисми сифатида азалдан мавжуд бўлган. Бобда ижтимоий иш соҳаси ривож таҳлил қилиниб, замонавий Ўзбекистон аҳолиси онгида жамоавийлик сифатининг доминантлиги ва у мустаҳкам асосга эгаллиги очиб берилди. Шу боис ўзбек маҳалласининг ҳудудлардаги ижтимоий ишни амалга оширишдаги ўрни бекиёс. Азалдан маҳалла алоҳида кўмакка муҳтож қатлам вакилларига ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг таянч макони бўлиб хизмат қилиб келган. Айнан маҳаллада аҳолининг муҳтож фуқаролари аниқланиб, уларга зарур ижтимоий кўмак кўрсатилган. Бунда бевалар, етимлар, ногиронларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга асосий урғу берилган, уларга маълум бир касб-хунарни ўргатишга эътибор қаратилган. Асрлар давомида маҳалланинг ушбу саховатли вазифалари нафақат сақланиб қолди, балки улар янада такомиллашди.


Замонавий Ўзбекистонда ижтимоий иш соҳасининг ривожланишида ислом рационализи тамойилининг аҳамияти ошиб бормоқда. Айниқса, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда исломдаги олижаноблик, меҳр-саховатни тараннум этувчи кадриятлар ўзига хос маъно касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан ушбу ҳолатлар кундалик ва ижтимоий ҳаётимизда мунтазам кузатилмоқда. Мазкур гипотезанинг амалдаги тасдиғини топиш мақсадида респондентлар ҳуқуқига «Ҳозирги шароитларда ислом кадриятлари бошқалар ёрдамига муҳтож кишиларга зарур кўмакни беришга таъсир қила олаётими?» деб мурожаат қилинди. Саволга ижобий жавоб берган 88,9% респондентдан бунинг 2 та энг муҳим сабабини белгилаб бериши сўралганда, улар «Эътиқодли кишилар учун муҳтож одамларга ёрдам бериш улуг савобдир», «Ислом етим-есир болалар ва бева аёлларга ёрдам кўрсатишни талаб қилади» деган жавобларини илгари суришди. Респондентларнинг бу масаладаги фикрлари экспертлар томонидан танқидий руҳда бўлса-да тўлиқ тасдиқланди. Мутахассисларга: «Жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларига кўмак бериш масаласида ислом дини салоҳиятини қандай баҳолайсиз ва мамлакатимизда бу омилдан қай даражада фойдаланиляпти?», деб мурожаат қилинганда, улар ушбу масалада исломда катта салоҳият мавжудлигини эътироф этиб, кейинги йилларда ундан оқилона фойдаланиш фаоллашганини қайд этдилар. Жумладан, яқинда ташкил этилган «Вақф» жамғармаси жамиятдаги муҳтож кишиларга ислом кадриятларига таянган ҳолда манзилли ёрдам кўрсатишини алоҳида таъкидлашган. Шунингдек, айрим экспертлар жамиятимизнинг ўзига тўқ қатлами индивидуал тарзда муҳтож кишилар учун ижтимоий кўмакни садақа, хайр-эҳсон ва закот каби амаллар орқали кўрсатаётганига эътибор қаратишган. Аммо бу соҳада ҳали қилинмаган ишлар кўплиги, хусусан, исломда кишиларни хайр-саховатга ундовчи кўрсатмалар ҳақида фуқароларимизда билим ва маълумотларнинг етарли эмаслиги бундай муаммоларнинг асосий сабаби эканлиги экспертлар томонидан эътироф

қилинган. Ишнинг мазкур бобида ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар масаласи доимий равишда давлатимиз раҳбариятининг диққат марказида тургани кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида айнан ушбу нозик масала – «ногиронлиги бўлган шахслар, боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз кексалар, умуман, кўмакка муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, албатта, устувор вазирамиз бўлиб қолади»¹, деб таъкидлагани халқимизнинг кўнглидаги сўз бўлди.

Мазкур бобда оила институтининг барқарорлиги масаласи тадқиқ этилиб, бунда оилавий муносабатлар, авваламбор, никоҳ институти асосида шаклланишига асосий эътибор қаратилди. Бунда оилани ташкил қилувчи турли хилдаги никоҳлар ҳақида маълумотлар келтирилган ва никоҳнинг дунёвий ва диний шаклларига урғу берилган. Дунёвий никоҳ барча мамлакатларда жорий қилинган бўлса-да, лекин диний никоҳга, асосан, клерикал тузумга асосланган мусулмон давлатларда мажбурий тарзда амал қилиниши қатъий талаб қилинади. Бизнинг жамиятда эса дунёвий никоҳни давлатнинг махсус – Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) ташкилотида расман қайд қилиш мажбурий хусусиятга эга бўлса, диний никоҳ эса ихтиёрий ҳисобланади.

Аммо мусулмончиликка даъво қилувчилар дунёвий никоҳ билан параллел тарзда диний никоҳ маросимига амал қилишади. Ўзбеклар ҳеч қачон ўз фарзандларининг никоҳ тўйи маросимини диний никоҳсиз ўтказишмаган. Ҳатто, тоталитар тузум мафқурасида «курашувчан атеизм» ҳукмронлик қилган йилларда ҳам бу диний маросим яширин тарзда амал оширилган. Мамлакатимиз мустақиллиги шароитида барча диний расм-русумлар, жумладан, диний никоҳни амалга ошириш имкониятларига тўлиқ эришилди. Мазкур фикр ўтказилган амалий тадқиқот натижаларида ўз исботини топган. Хусусан, аксарият респондентларнинг фикрича, бугунги кунда жамиятимизда исломий никоҳ ўқитилиши оилалар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Зеро, ислом динида оила ва унинг барқарорлиги жуда муҳим масала ҳисобланади. Шу боис сўровда иштирок этганларга: «Сизнингча, ислом дини ҳукмлари асосида оила барқарорлигини таъминлаш мумкинми?», деб мурожаат қилинди.

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/2228>



2-расм. Оила мустаҳкамлигига ислом қадриятларининг таъсири даражаси

Натижалар таҳлиliga кўра, респондентларнинг мутлақ қисми ушбу саволга ижобий жавоб берган. Айниқса, бу масалада Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани, Бухоро, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳар респондентлари бошқа ҳудудлардаги респондентлардан кўра, кўпчиликни ташкил қилган. Ушбу саволга ижобий муносабат билдирганлардан бунинг 3 та энг муҳим жиҳатини кўрсатиш сўралганда, иштирокчилар исломда оила қуриш ва уни асраб-авайлаш муҳим суннат амали ҳисобланиши, эркак кишига оилани таъминлаш ва бошқариш масъулияти юкланганлиги, оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги уят, ҳаё ва ибo таъминланганини алоҳида ажратиб кўрсатишди. Ўз навбатида, ислом дини оила барқарорлигига таъсир ўтказмайди, деб ҳисоблаганлардан бунинг 3 та асосий сабабини кўрсатиш сўралганда, улар шариатда кўп никоҳликка руҳсат берилган, исломда аёлнинг мавқеи эркакка нисбатан паст белгиланганлиги туфайли оилавий можаролар келиб чиқиши ҳамда аёлнинг тижорат мақсадида хорижга эркаксиз ёлғиз бориши қораланган, деган жавобларни кўрсатишди. Натижаларнинг эътиборли жиҳати шундаки, сўровда иштирок этган эркаклар ва аёллар муаммо таҳлиliga деярли бир хил муносабат билдиришган. Тадқиқотда никоҳ тўйининг долзарб муаммолари ҳам эътибордан четда қолмади. Чунки ислом динида никоҳ тўйи масаласига ҳам эътибор жиддий. Ҳадисларда таъкидланишича, саҳоба Абдурахмон ибн Авф Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдиларига келиб, ўзининг уйланганлигини маълум қилганида, ул зот «Бир қўй сўйиб бўлса ҳам тўй қилгин!»¹, – дедилар.

Фуқаролар никоҳ тўйи деганда, энг аввало, нимага эътибор қаратишини билиш ушбу маросимнинг мазмунини тўлиқ англаб етишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, «Никоҳ тўйида, сизнингча энг муҳими нима?», деб берилган саволга олинган жавоб асосида респондентлардаги секуляризация

¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-Жомийъ Ас-Саҳиҳ. Ҳадис. Т.1. -Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1994. – Б.412.

ҳолати кузатилди. Натижалар таҳлилига кўра, Тошкент шаҳрида бошқа минтақаларимизга қараганда, никоҳ тўйида ортиқча сарф-харажатлардан йироқ бўлиш ҳолатининг аҳамияти исломий никоҳ ўқитишдан кейинги даражада турибди. Бу ҳолат Тошкент шаҳридаги никоҳ тўйлардаги исрофгарчилик бошқа вилоятларникидан анча юқори эканлигини кўрсатган. Демак, тўйларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик бўйича олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш тадбирларини, биринчи навбатда, пойтахт аҳолиси орасида ўтказиш лозим экан. Бу жараёнда динимиздаги таниқли уламолар фаол иштирок этиб, фуқароларимизга Қуръони карим оятлари ва ҳадислар асосида исломда исрофга йўл қўйиш оғир гуноҳ эканлигини доимий тарзда тушунтириб борсалар, албатта, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини беради.

Оилавий ҳаёт ва унинг мустаҳкамлигига ислом қадриятларининг таъсири юқори эканлигини деярли барча мутахассислар таъкидлаб, ҳозирча бу омилдан етарлича фойдаланилмаётганини кўрсатиб ўтишган. Сўровда иштирок этган мутахассислар ўзбек оилаларининг анъанавий қадриятлар тизими ислом динидан озикланиши боис оилаларни мустаҳкамлашда ислом қадриятларига таяниш ўз самарасини беради, деб эътироф этишган. Бирок айрим мутахассислар ислом омилининг оила мустаҳкамлигига таъсири етарли даражада эмас, деган фикрни ҳам илгари суришган. Уларнинг фикрича, аҳолимиз ислом қадриятларининг аҳамиятини яхши тушуниб етганида эди, ҳозирда содир бўлаётган ажралишлар кескин камайган бўларди. Бунинг учун эса оила қураётган ёш келин-куёвларга ислом динида эркак ва аёл учун оилавий бурч, мажбуриятлар қандай белгиланганини чуқур тушунтириш талаб этилади.

Бобда кишиларнинг тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли юритишида уларнинг менталитети ҳам аҳамиятли вазифани бажариши таҳлил этилди. Бунинг учун эса уларда иқтисодий тафаккурни шакллантириш лозим. Мазкур жараёнда бошқа социал институтлар каби дин ҳам муҳим роль ўйнайди. Диссертацияда бундай ёндашув немис социологи Макс Вебернинг таълимоти асосида қиёсий таҳлил этилди. Зеро, у ўз асарларида Ғарбда капиталистик жамиятнинг шаклланиши ва ривожланишида маънавий омиллардан диннинг ўрнини алоҳида ажратиб кўрсатди. Арабистон ярим оролида вужудга келган ислом дини ҳам илгари иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган жамиятларнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Дарҳақиқат, ислом ўз ғоя ва мафкураси асосида жамият иқтисодий ҳаётининг ривожланиб боришини мустаҳкам асос устига қуришга муваффақ бўлди. Аждодларимиз ислом дини таълимотини пухта ўзлаштириб, унинг ахлоқий меъёрларига қатъий амал қилиши боис савдогарчилик, хунармандчилик, деҳқончилик ва тадбиркорликнинг бошқа соҳаларида муваффақиятли фаолият олиб боришган. Бу эса, ўз навбатида, Мовароуннаҳр ўлкасининг барқарор ривожланишига ижобий туртки берган. Айниқса, Абу Наср Форобий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби кўплаб қомусий олимлар дунёвий илмлар билан бир қаторда,

диний илмларни пухта эгаллаб, фаол ижтимоий фаолият кўрсатиши юртимизнинг тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Шунингдек, ислом илмининг билимдонлари нафақат диний-маърифий фаолият билан, балки дунёвий касб-хунар билан ҳам шуғулланишган. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанднинг «Қалбинг Оллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин» машҳур ҳаётий тамойили таркидунёчилик иллатидан холи бўлишга чақириб, тадбиркорликни тараннум этувчи прогрессив ғоя, десак асло муболаға бўлмайди. Чунки исломда ҳалол меҳнат учун бериладиган ажр-савоб даражаси нафл ибодатларидан юқори туради. Шу боис ислом динида дангасалик ва ишёқмаслик каби иллатлар кескин қораланади. Кишиларнинг тиламчилик қилиши эса, ислом қадриятларига умуман бегона бўлган ҳодисадир. Зеро, ҳадисларда таъкидланганидек, «бераётган қўл олаётган қўлдан афзалдир»¹.

Аmmo ҳозирги кунда айрим навқирон аёлларнинг норасида болаларини етаклаб олиб, бошқа кишиларда ўзларига нисбатан ачиниш туйғусини шакллантириш асосида меҳнат қилишдан бўйин товлаш мақсадида масжидлар ва зиёратгоҳлар эшиги олдида гадойчилик қилиши кузатилмоқда. Бундай салбий хулқ-атвор ислом талабларига мутлақо зиддир. Пировардида, ушбу хатти-ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлод менталитетида текинхўрлик иллатларининг шаклланишига фаол таъсир кўрсатади. Ҳолбуки, ҳадисда «Бир кучоқ ўтин териб, бозорга орқалаб олиб бориб, сотиб тирикчилик қилган одам тиланчилик бирлан қўл чўзиб, кун кўрадиган одамдан афзал»², деб қайд этилган.

Мамлакатимизда тадбиркор кишиларнинг ўз иқтисодий фаолиятини ҳалоллик билан олиб боришида ислом қадриятларининг аҳамияти ошиб бораётгани ижобий ҳодисадир. Тадбиркорлик ривожига хусусий мулк муҳим аҳамият касб этиб, аҳолимиз ўз хусусий мулкига эга бўлаётганини кузатиш мумкин. Тадқиқотда респондентларнинг асосий қисми хусусий мулк масаласига ўз ижобий фикрини билдиргани маълум бўлди. Албатта, бунда уларнинг мутлақ қисми бу мулк ҳалолликка асосланишини асосий ва ҳақли талаб сифатида қўйган. Бу талаб эса ислом динида муҳим ўрин тутаяди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Ислом қадриятлари – ўзбек жамияти барқарорлиги омили»** деб номланган бўлиб, унда ислом қадриятлари ва стратификация жараёнларининг ўзаро муносабатлари, ижтимоий барқарорликка таҳдид солувчи девиант хулқ-атворга қарши курашишда ислом рационализмининг ўрни ва ислом толерантлиги масалалари тадқиқ этилган. Бобда стратификация масалалари қадимдан фаол ўрганиб келинаётган долзарб муаммо сифатида тадқиқ қилинган. Дин институтининг мазкур жараёнларга фаол таъсир қилиш эволюцияси атрофлича таҳлил этилган. Маълумки, Мовароуннаҳрда ҳам стратификация шундай мазмун касб этган. Жумладан, эшон, саййид, хўжа кабилар

¹ Ижтимоий ҳимояга оид Қуръони карим оятлари ва ҳадислардан намуналар. Маъсул муҳаррир З.Исломов.- Тошкент.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.2007. -Б.31.

² Абу Абдуллоҳ Мухаммад Ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ал-Жомийъ Ас Саҳиҳ. Ҳадис. Т.2. -Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1996. -Б.9.

«ижтимоий зинапоя»нинг чўққисидан жой олганлиги ва уларнинг ижтимоий мақоми бошқа фуқароларникидан анча юқори бўлгани бобда атрофлича баён этилган. Албатта, бу ҳолат юқорида кўрсатиб ўтилган аҳоли табақаларининг ислом дини таълимотини нотўғри тарзда талқин қилиниши натижаси эди. Ҳолбуки, ислом динида кишиларнинг диний-сулолавий мавқеидан келиб чиқиб, шахсий манфаат излаши қаттиқ қораланади. Чунки ислом дини таълимотига мувофиқ, барча одамлар тенгдир, уларнинг моддий аҳволи ва маълумотлари даражаси эса ўз фаолиятига бевосита боғлиқ. Замонавий шароитда Ўзбекистонда кечаётган стратификацион жараёнларга дин омилининг таъсири умуман йўқ. Лекин яқин йилларгача исломга алоқаси бўлмаган, бидъат ва хурофотга асосланган зарарли иллатлар янги оилаларнинг бунёд бўлишига халақит қилиб келди. Масалан, хўжа, саййид, эшонларнинг авлодлари қизларини ўз табақаларига мансуб бўлмаган оила ўғилларига турмушга бермасликка ҳаракат қилганлар. Ўз навбатида, бундай оила аъзолари ҳам хўжа, саййид, эшонларнинг қизларини ўз ўғиллари учун сўрашга ботина олмаганлар. Албатта, аҳолининг ислом дини бўйича билимлари савиясининг ошиб бориши боис, ҳозирда бундай иллат деярли барҳам топмоқда. Энди, агарда ёшлар бир-бирини ёқтирса, ота-оналарига ҳам бу маъқул келса, бўлғуси келин-куёвлар хўжа, саййид, эшонзодалиқ мавқесига тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигидан қатъи назар янги, мустаҳкам оиланинг вужудга келишига сабабчи бўлишмоқда. Лекин жамиятимиздаги табақалашув ҳодисасига бошқа бир салбий иллат нохуш таъсир кўрсатмоқда. Бундай салбий ҳолат жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги ва хавфсизлигига реал таҳдид солувчи «...махаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатлар давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодиётнинг ўсиши ва тадбиркорлик ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда»¹.

Мазкур салбий ҳодисанинг ислом динига умуман алоқаси йўқ. Чунки бу динда насл-насаб ва ҳудудий келиб чиқиш билан кибрга берилиш қатъий қораланади. Бироқ, ўқимишсиз кишиларга қараганда, илмли ва фозил кишиларнинг ижтимоий мақоми улуғланади. Қуръони каримнинг оятларидан бирида «Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми»², деб хитоб қилингани диққатга сазовордир. Бинобарин, ислом дини аҳкомларига мувофиқ илмли кишиларнинг мақоми бошқа социал қатлам аъзолариникидан анча юқорида жойлашади. «Қиёмат куни олимларнинг сиёҳлари дин йўлида ҳалок бўлганларнинг қонига тенглаштирилади»³.

Диссертациянинг мазкур бобида жамият ҳаётининг ҳар қандай жараёнларини равон, бир текис ва барқарор тарзда кечиши мураккаб ҳодиса ҳисобланиши таҳлил этилган. Чунки жамият аъзоларининг кундалиқ ва ижтимоий ҳаётида турли муаммолар мавжуд. Агар бундай муаммолар ўз

¹ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир// Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент: «Ўзбекистон». 2018. –Б.46.

² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Бешинчи жуз. -Тошкент: «Шарқ». 2012. -Б.200.


³ Абу Хамид Муҳаммад аль-Газали ат-Туси. Возрождение религиозных наук. Пер. с араб. яз. книги «Ихйа' улум ад-дин». В десяти томах. 1-й том, 2-е изд. –Махачкала: «Нуруль иршад». 2011. –С.45.

каърига борган сари кўпроқ кишиларни тортса, унда ижтимоий ҳаётнинг барқарорлиги учун реал ва қалтис таҳдидлар вужудга келади. Аксарият ҳолларда ушбу турдаги муаммолар жамият аъзоларининг ижтимоий ҳаётда ўрнатилган муайян қонунлар ва тартиб-қоидаларни ўз хулқ-атворлари асосида инкор этиши ёки уларга билиб-билмасдан риоя қилмаслиги оқибатида пайдо бўлади. Кишиларнинг бундай турдаги хулқ-атвори социологик адабиётларда девиант хулқ-атвор, деб аталади.

Диссертацияда девиантликнинг жиноятчилик, алкоголизм, гиёҳвандлик, суицид, фоҳишабозлик ва гомосексуализм каби турлари келтирилиб, уларнинг келиб чиқиш тарихи ва ижтимоий оқибатлари тавсифланди. Албатта, девиант хулқ-атворнинг ушбу кўринишларга қарши кураш замонавий жамиятларда ўрнатилган ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрлар асосида олиб борилмоқда. Бундай шароитда давлатнинг моддий-техникавий ва тиббий имкониятлари билан биргаликда, жамиятнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари ҳам муҳим роль ўйнаши, табиий. Бироқ Ғарб жамиятларида мазкур муаммолар ечимининг жавоби аксарият ҳолатда дунёвий ҳаёт меъёрлари асосида изланмоқда. Диссертацияда ушбу мамлакатларда секуляризация жараёнининг бир томонлама талқини туфайли жамият аъзоларининг шахсий ва ижтимоий ҳаётига христианлик ахлоқий қадриятларининг таъсир қилиш кучи кескин даражада тушиб кетгани баён қилинган. Шунинг учун бу масалани ҳал қилишда дин омили четга суриб кўйилган. Аждодларимизнинг асрлар давомида амал қилиб келган миллий-диний ахлоқ меъёрлари бой маданий мероснинг муҳим бир бўлаги сифатида ижтимоий долзарб муаммоларга қарши курашишнинг асосий омили ҳисобланади. Қонунбузарликка қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар фаолиятининг устувор вазифаси бўлса-да, қонунбузарлик йўлига кирган ёшларга маҳалла аҳолиси, меҳнат ва ўқув юрти жамоаси билан биргаликда, дин уламолари ҳам тўғри йўлни кўрсатишга ҳаракат қилишади. Натижада, бошқа мамлакатларидаги вазият билан солиштирилганда юртимизда девиант хулқ-атворнинг юқорида таснифлаб чиқилган турларининг кенгайиш динамикаси борган сари сусайиб бормоқда.

Дарҳақиқат, жамият аъзоларининг ибратли маънавий қиёфаси ижтимоий тараққиётга улкан таъсир кўрсатиши азалдан маълум экан, кишиларни ахлоқсизликдан қайтариш эса жамият олдида турган асосий масалалардан бири эканлиги бобда тадқиқ этилган. Айниқса, ҳозирги кунда Ғарб жамиятидан мамлакатимизга кириб келишга астойдил ҳаракат қилаётган «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларига қарши курашиш долзарб ижтимоий вазифа ҳисобланади. Тадқиқот сўровномасида «Кишини ахлоқсизликлардан тия оладиган асосий омил нима?» деган савол билан респондентларга мурожаат қилинганда жавобларнинг аксариятида миллий ахлоқ-одоб ва маънавийликка таянган оилавий тарбия бу масалада етакчилик қилган. Эътиборли жиҳати, ўзбек оилаларидаги миллий одоб-ахлоқ ва маънавийликка таянган тарбия ҳар доим дунёвийлик ва динийликни ўзаро уйғунлашган шаклида олиб борилган. Мазкур фикрнинг тасдиғи сифатида

«Жиноятчилик, гиёҳвандлик, алкоголизм, фоҳишабозлик, порахўрлик каби муаммоларни бартараф қилишда ислом ахлоқи муҳимми?», деган савол илгари сурилганда, унга қуйидаги жавоблар олинди.



3-расм. Жиноятчилик, гиёҳвандлик, алкоголизм, фоҳишабозлик, порахўрлик каби муаммоларни бартараф қилишда ислом ахлоқининг муҳимлиги

Мамлакатимиз аҳолиси унга қарши курашда ислом динининг кадриятларига таяниш зарурлигини таъкидламоқда. Муаммо таҳлилига оид фикрни экспертлар ҳам илгари суришди. Улар жамият аъзолари орасида содир этилаётган девиант хулқ-атворга қарши курашишда ислом кадриятлари катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этишди. Бунинг учун эса аҳолини бундай кадриятлар билан мунтазам равишда таништириш керак. Айрим фуқароларнинг ислом дини кадриятларидан етарли хабардор бўлмагани боис, жамиятда девиант хулқ-атворнинг турли кўринишлари учрапти. Айниқса, кейинги вақтда ёшлар ва аёллар орасида суицид муаммоси учраб турибди. Агар уларга ўз жонига қасд қилиш исломда нақадар оғир гуноҳ сифатида қораланиши асосли тарзда тушунтирилса, бу мудҳиш воқеани содир этиш, албатта, барҳам топади. Зеро, киши охиратда ҳам ҳаёт борлигига ишонса, унда ўзи бу дунёдаги номаъқул хатти-ҳаракатлардан тийилади.

Маълумки, ижтимоий барқарорлик ҳар қандай жамият тараққиётининг муҳим пойдеворидир. Замонавий Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлашга энг устувор масала сифатида қараб келинмоқда. Фуқаролар, миллатлар ва конфессиялар ўртасидаги муносабатларнинг умумхалқ манфаатлари асосида такомиллашиши, социал назорат таъсирини кучайтиришга интилиш, кучли жамият ролининг ошиб бориши жамият барқарорлигини мустаҳкамлашга муносиб хизмат қилмоқда. Албатта, ушбу омиллар мазкур барқарорликни тўлиқ таъминлай олмайди. Бундан ташқари, яна бир қатор маънавий омиллар ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг

ишончли гарови ҳисобланади. Жумладан, жамият барқарорлигини сақлаш масалаларида бошқа омиллар билан бир қаторда, толерантлик тамойилининг аҳамияти ҳам муҳим роль ўйнайди.

Қуръони карим оятларида бошқа динга эътиқод қилувчилар билан қандай муомала қилиш тартиб-қоидалари ва одоби қатъий белгиланган. Айниқса, ўз диний эътиқодини бошқаларга зўравонлик ва мажбурийлик асосида сингдиришга интилиш ислом динида кескин қораланади. Бунга Қуръони карим сураларидаги бир қатор оятлар фикримиз далилидир. Масалан, «Бақара» сурасининг 256-оятида: «Динга мажбур қилиш йўқ»¹, деган ҳукм илгари сурилган. Ҳадисларда ҳам мусулмонларнинг бошқа диний эътиқод эгаларига бўладиган муносабатлари аниқ ва равшан белгиланган: «Кимки зиммига (мусулмонлар юртида яшовчи бошқа дин вакили) озор берса, мен унга душмандирман. Менинг душмандлигим қиёмат куни бўлур»².

Ислом толерантлигининг жамиятимизда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик ҳодисасига фаол таъсирини хориж мамлакатларининг дин пешволари ҳам таъкидлашаётгани ижобий ҳолдир. Хусусан, ушбу фикрни Москва ва бутун Русь патриархи Кириллнинг 2017 йил 29 сентябрь-2 октябрь кунлари Ўзбекистонга ташрифи чоғида илгари сурган хулосалари билан асослаш мумкин. У Ўзбекистондаги черков, бошқа ибодатхоналар ва турли биноларни кўриб, Ўзбекистонда дин ва эътиқодга бўлган ҳурматга тан берди. «Америка, Европа сиёсатчиларини Ўзбекистонга чақиринг, келиб кўришсин. Бундай бағрикенглик ҳеч қаерда йўқ! Мен бу ерда кўрганларимни ҳамма ерда ва ҳар доим айтаман. Бу ерда одамларнинг самимий меҳр-муҳаббати ва ҳурматини ҳис қилдим», – деди патриарх Кирилл»³.


Ўзбекистондаги мавжуд ижтимоий барқарорлик ҳолати бошқа мамлакатлардаги аҳвол билан солиштирилса, қуйидаги вазиятга дуч келинади: сўнгги йилларда дунёнинг турли минтақаларида вужудга келаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тангликлар негизида содир этилаётган ҳодисалар кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолат мазкур минтақалар ижтимоий ҳаётида диний омилдан оқилона фойдаланилмаётганини кўрсатмоқда. Дин негизидаги социал конфликтлар жамият учун хатарли ва талофатли бўлиб, улар фуқаролар орасида антагонистик қарама-қаршиликларни келтириб чиқармоқда. Масалан, Европа ҳудудида Шимолий Ирландия католиклари ва протестантлари, Болкон ярим оролида христианлар ва мусулмонлар, Миср, Судан, Ливанда мусулмон араблар ва христиан араблар, Ироқ, Сурияда суннийлар ва шиалар орасидаги хатарли зиддиятлар ҳамда ушбу ҳудудлардаги ижтимоий кескинликлар тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикасида нашр қилинган ислом манбалари билан танишиб бориш, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда дин уламоларининг ушбу масала бўйича қилаётган маърузалари ҳам ватандошларимизда бошқа дин

¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Биринчи жуз. -Тошкент: «Шарқ». 2012. -Б.263

² Ижтимоий ҳимояга оид Қуръони карим оятлари ва ҳадислардан намуналар. Масъул муҳаррир З.Исломов. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2007. -Б.56.

³ <http://kun.uz/news/2017/10/04/butun-rossia-patriarhi-amerika-evropa-siesatcilarini-uzbekistonga-ca>

вакилларига нисбатан бағрикенглик туйғусини шакллантиришда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Тадқиқот анкетасида респондентлар хукмига: «Мамлакатимизда яшаётган, бошқа динга эътиқод қиладиган кишиларга муносабатингиз қандай?» деган савол ҳавола этилганда, иштирокчиларнинг 96% ижобий, деб қайд этган бўлса, атиги 4% респондент «исломдан бошқа динга эътиқод қиладиганларга муносабатим салбий» деган фикрни билдирган. Юқорида олинган жавоблар таҳлилини чуқурлаштириш мақсадида «Жамиятимиздаги тинчлик-осойишталикни таъминлашга ислом динининг таъсири бор, деб ҳисоблайсизми?» деган савол берилди ва респондентлар томонидан билдирилган жавоблар қуйидаги диаграммада ўз аксини топди.



4-расм. Ижтимоий барқарорликни сақлашга ислом дининг таъсири даражаси

Таҳлиллар натижасига кўра, аксарият респондентлар ислом дини жамият барқарорлигига ўз таъсирини ўтказиш салоҳиятига эга, деб ҳисоблашар экан. Бунда респондентларнинг ярмидан кўпи бу жараёнга ислом дини қисман таъсир кўрсатишини таъкидлашган. Ушбу масала бўйича салбий фикр билдирган 7,3% респондент эса исломдаги толерантлик сифатларидан яхши хабардор эмас, деган хулоса илгари сурилди. Ижобий фикр билдирган респондентларнинг муносабатлари сабабини аниқлаш учун улардан энг муҳим 3 та омилни кўрсатишлари сўралди. Бунда респондентлар 1.Тинч ва осойишта ҳаёт учун шуқур қилиш. 2. Исломда бошқа динда бўлганларга озор бериш тақиқланган. 3. Исломда раҳбарларга итоат қилиш буюрилган, деган фикрни билдиришди.

Ўзбекистонда бағрикенглик масаласи долзарб эканлигига давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги мураккаб ва қалтис ижтимоий-сиёсий шароитларда хотиржамликка берилиш мумкин эмас. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев 2017 йил 15 июнда диний соҳа вакиллари билан «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини

асраш – давр талаби» мавзуида ўтказилган анжуманда қуйидаги фикрни таъкидлаб ўтди: «Имом-хатиблар кенг жамоатчилик орасида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бундай барқарор ва осойишта муҳит осмондан тушмаётганини тарғиб этиш, ота-боболаримиз минг йиллардан буён пок сақлаб келаётган ислом дини ҳар қандай зўравонликка, бузғунчиликка, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкишга мутлақо қарши эканини оят ва ҳадислар асосида, жонли мисоллар ёрдамида таъсирчан етказиб беришлари зарур»¹.

Ушбу фикр халқимизнинг маънавий тарбияси биринчи ўринга қўйилаётгани бежиз эмаслигини кўрсатади. Чунки бой маънавий мерос асосида тарбияланган кишиларнинг тафаккур қилиши юқори даражада рационал бўлади. Натижада, улар турли динлар ва миллатларга тааллуқли бўлган фуқаролар билан бўладиган ўзаро муносабатларга толерантликка асосланган ҳолда, холис ва адолатли позициядан туриб ёндашишади. Бу эса Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги тараққиётни барқарор ҳолатда таъминлашга муносиб омил бўлиб хизмат қилади.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон ижтимоий тараққиётида ислом рационализи омили» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар илгари сурилди:

1. Ижтимоий тараққиёт мураккаб ва тизимли тарзда кечадиган социал жараёнларнинг маҳсули бўлиб, уни содир бўлиши ҳам моддий, ҳам маънавий омилларга бевосита боғлиқ бўлади.

2. Фаровон ва обод жамият қуриш ҳақидаги ўз таълимотларини яратган мумтоз мутафаккирларнинг тарихий-илмий мероси бугунги куннинг долзарб муаммоларининг ечимини топишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади.

3. Халқимизнинг узоқ асрлик тарихи давомида шаклланган миллий менталитетнинг таркибидаги диний элемент аҳамияти ҳамон салоҳиятлидир.

4. Азалдан ўзбек миллий менталитетида динийлик ва дунёвийлик муносабатлари ҳамиша ўзаро уйғунликда мавжуд бўлиб келган.

5. Ислом динидаги мазҳаблар мазмунини илмий таснифлаш ва талқин этишда ислом рационализи асосий назарий пастулат сифатида хизмат қилиб, кишиларнинг ислом дини кўрсатмаларига амал қилишларида талаб этиладиган мўътадиллик ҳолатига риоя қилиш лозимлигини таъминлайди.

6. Жамиятда ижтимоий ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларга зарур кўмак кўрсатишда давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда иқтисодий жиҳатдан ўзига тўқ кишиларнинг бундай тоифадаги муҳтож кишиларга хокисорлик ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Ватанимиз тақдир ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. //Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Тошкент: «Ўзбекистон». 2018. -Б.485.

самимийлик асосидаги беғараз ёрдами фуқаролар ўртасидаги меҳр-оқибат ҳамда социал бирдамлик кайфиятларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

7. Оила жамиятнинг илк бўғини эканлигини яхши англаган ҳолда, унинг барқарорлигини таъминлаш фундаментал масала эканлигини таъкидлаш лозим. Мазкур муҳим социал институт мустаҳкамлигига ислом дини кадриятлари салоҳиятли таъсир кўрсата олиши ўтказилган тадқиқотда ўз исботини топди.

8. Иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан бўлган тадбиркорлик фаолияти муваффақияти мутахассислардан юксак даражадаги касбий маҳоратдан ташқари, ҳаллоллик, тўғрисиўзлик, поклик, саховатлилик, ҳимматлилик каби сифатлар талаб этилади. Айнан ушбу муҳим инсоний сифатларнинг шаклланиши ва ривожидида ислом кадриятлари муҳим роль ўйнайди. Мазкур хулосалар ҳудудларимизда ўтказилган эмпирик социологик тадқиқот ҳамда эксперт сўрови натижалари асосида тўлиқ тасдиқланди.

9. Социал стратификация жараёни объектив феномен сифатида барча жамиятларда содир бўлар экан, айрим мамлакатларда дин институти мазкур жараёнга фаол таъсир кўрсатади. Мамлакатимиз шароитида эса диннинг унга бевосита таъсири йўқ. Ушбу хулоса жойларда ўтказилган амалий тадқиқотда ўз тасдиғини топди.

10. Замонавий жамият барқарорлигига таҳдид солувчи долзарб социал муаммоларнинг ечимига мос сермаҳсул механизмни фақат дунёвийлик ёки буткул динийлик асосида ишлаб чиқиб бўлмайди. Аксинча, бу икки ёндашув мунтазам тарзда бир-бирини ўзаро тўлдирса, кўзланган мақсадга тўлиқ эришиш мумкин бўлади.

11. Ижтимоий барқарорликни таъминлашда давлат хавфсизлик институтлари аҳамиятини алоҳида эътироф этиб, бу жараёнда жамият аъзоларининг онгли фаолияти ҳам муҳим ўрин тутишига эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун эса улар тафаккурида ушбу барқарорликни таъминлашга хизмат қилиш дунёвий давлат тартиб-қоидаларининг талаби ҳамда ислом дини кўрсатмаларида қатъий буюрилганини сингдириш самарали натижалар беради.

12. Махсус эмпирик социологик тадқиқотларнинг натижалари илмий-назарий фаразимизнинг амалий жиҳатдан тасдиқланишида ишончли амалий маълумотни берди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc. 20/30.12.2019.S.23.02 ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

ФАРФИЕВ БАХРАМДЖАН АТХАМДЖАНОВИЧ

**ФАКТОР ИСЛАМСКОГО РАЦИОНАЛИЗМА В СОЦИАЛЬНОМ
РАЗВИТИИ УЗБЕКИСТАНА**

**22.00.03 – Общественное сознание и социология социальных
процессов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ
(DSC) ПО СОЦИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2017.3-4./DSc/Sots9.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Академии государственного управления по адресу () и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz.).

Научный консультант: Аликариёв Нуриддин Сапаркариёвич

Официальные оппоненты:

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор

Дониёров Алишер Худойбердиевич
доктор исторических наук, профессор

Жалилов Ақтам Ташназарович
доктор политических наук, профессор

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится « 5 » 11 2020 года в 11 часов на заседании Научного совета DSc.20/30.12.2019.S.23.02 при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. (Адрес: 100174, г. Ташкент, улица Ислам Каримова, 45. Административное здание Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан 5 этаж, 504 зал конференций. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371) 239-17-83, e-mail: info@dba.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100066, г. Ташкент, улица Ислам Каримова, 45. Административное здание, __этаж, __-й кабинет. Тел.: 0(371) 232-60-47, факс: 0(371)239-17-83.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2020 года.).



(Handwritten signature)

М.Б.Бекмуродов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.н., профессор

(Handwritten signature)

А.Б.Юнусов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.н.

(Handwritten signature)

Ш.М.Содиқова
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В связи с ростом количества населения мира социальное развитие как актуальная и глобальная проблема ставит на повестку дня все новые задачи. Как известно, социальное развитие осуществляется под системным и детерминирующим влиянием определенных факторов. В этом сложном социальном процессе для всех стран мира как материально-экономические, так и духовные факторы приобретают одинаково важное значение. С этой точки зрения наблюдается повышение уровня рационального мышления людей, гармонического сочетания светских и религиозных ценностей.

Развитые страны мира в осуществлении социального развития эффективно используют социологические теории, обеспечивающие взаимное сочетание материального и духовного факторов. При этом активно опираются на теории секуляризации, выдвигающие одинаковые требования о необходимости соблюдения как правил и порядков светского демократического строя, так и принципов религиозного рационализма. Для стран, большинство граждан которых исповедуют ислам, в достижении социального развития проявляют свою эффективность этносоциологические теории, которые воплощают в себе требования одновременного соблюдения светско-национальных ценностей и нравственных норм ислама.

В нашей стране процессы социального развития осуществляется с учетом национальных особенностей, где духовным факторам, наряду с материальными, придается особое значение. «Всем нам известно, что Узбекистан обладает богатыми природными ресурсами, мощным экономическим и человеческим потенциалом. Но все же самое большое наше богатство – это огромный интеллектуальный и духовный потенциал нашего народа»¹. Действительно, национальный менталитет узбекского народа, сформированный на основе богатого историко-культурного наследия и совершенствованный в условиях требований современного периода, воплощает в себе высокий уровень интеллектуального и духовного потенциалов. В свою очередь, на формирование и развитие национального менталитета наряду со светско-культурными особенностями, существенное положительное влияние оказывают ценности ислама. С этой точки зрения можно сделать вывод, что в сегодняшнем развитии современного Узбекистана рационалистический принцип ислама служит одним из важных духовных факторов этого социального процесса. Социологический анализ использования исламского рационализма, особенно, просвещение и нравственность ислама в процессе осуществления социального развития наряду со светскими мерами позволяет в разработке необходимых

¹ Мирзиёев Ш.М. Свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан мы построим вместе с нашим мужественным и благородным народом. //Уверенно продолжим путь национального развития на новом этапе. Том 1. –Ташкент: «Ўзбекистон». 2018. –С.122-123.

возможностей для совершенствования научных исследований этих духовных факторов.

Указы Президента Узбекистана «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 07.02.2017, «О мерах по коренному совершенствованию деятельности в религиозно-просветительской сфере» №УП-5416 от 16.04.2018 и Постановления «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности религиозно-просветительской сферы» №ПП-4436 от 04.09.2019 и другие официальные документы послужили нормативно-правовой базой для исследования в данной диссертации вопросов обеспечения безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности как основ социального развития.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I.«Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации¹.

На международном уровне исследования, посвященные изучению вопросов значений религиозного убеждения, в том числе исламских ценностей в условиях социальной жизни светского государства активно осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира. В том числе в Bielefeld Universität (Германия), Georg-August-Universität Göttingen (Германия), University of Sorbonne (Франция), Otto-Friedrich-Universität Bamberg (Германия), Анкарском университете (Турция), University of London (Великобритания), Университете аль-Азхар (Египет), Каирском университете (Египет), University of New Hampshire (США), University of Reading (Великобритания), Московском государственном университете (Россия), Московском государственном институте международных отношений (Россия), Институте «Социология» при академии наук РФ (России).

В результате исследований фактора религиозного рационализма в социальном развитии были достигнуты ряд следующих научных результатов: согласно результатам исследований, направленных на анализ процессов секуляризации, отмечается, что эти процессы, протекающие в христианстве и исламе, существенно отличаются друг от друга. Также подтверждается, что исламу не чужды эти процессы (Bielefeld Universität), (Otto-Friedrich-Universität Bamberg, почтение женщин в исламе (аль-Азхар, Египет); на теоретическом и практическом уровнях раскрыто отрицательное влияние полигамных браков на стабильность института семьи (University of Fribourg,

¹ Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации выполнен на основе следующих источников: www.researchgate.net, www.eva-leipzig.de, www.jstor.org, www.ezw-berlin.de, www.worldcat.org, www.onlinelibrary.wiley.com, www.pw-portal.de, www.tariqramadan.com.

Швейцария); определена степень влияния ценностей исламской цивилизации на социально-экономическое развитие стран, большинство жителей которых составляют мусульмане. (Институт Африки РАН, Россия).

